



## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛА, МАКТАБ ВА МАҲАЛЛАНИНГ МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Худоёрова Ойсоат Келдиёровна**

*педагогика фанлари номзоди, доцент*

**Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўгли**

*Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги, экология атроф муҳит*

*муҳофазаси ва кимё факультети 402-А гуруҳ талабаси*

**Ўроқбекова Моҳина Шерзодбек қизи**

*“Педиатрия” факультети 104-Б гуруҳ талабаси*

**Аннотация:** Мақолада ёшлар тарбияси самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари аниқланган бўлиб, унинг умумий қоидалари, шакл ва усуллари ўрганилган. Оила, мактаб ва маҳалланинг масъулият туйғусини ошириш йўллари кўрсатилган. Мазкур масалани муваффақиятли ҳал этишига доир илмий - амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Илм-маърифат, мустаҳкам оила, мактаб, маҳалла, масъулият, ижодкорлик, соғлом турмуш тарзи, стратегик мақсад, яратувчанлик, рақобатбардошлик, эътиқод, юксак дунёқараиш, одоб, ахлоқ, ватанпарварлик, технологик ёндашув.

Маълумки, ёшлар тарбиясида оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида кенг жамоатчиликнинг ўрни ва таъсири кучлидир. Гўзал ҳаёт кечираётган ва соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимиз ва унинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади. Оила муқаддас даргоҳ. Унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Инсонга хос чинакам фаровон, бахтли ҳаёт давом этади. Болалар тарбиясида оила, мактаб,



махалланинг ўрни, таъсири ва масъулияти бекиёсдир. Маълумки, ҳаётда масъулият тарбияси энг залворли масаладир. Илм бериш ва уни эгаллаш ҳамда ҳаётга масъулият билан ёндашишда ота оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар ва маҳалла аҳлининг фарзанд тарбиясига тўғри ёндашуви, ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда муносабатда бўлиши, ҳаётдаги ўз вазифаларини чуқур тушуниб етиши талаб этилади. Бунда фарзандлар масъулиятли, мустақил фикр ва эътиқодли, онгли дунёқараш, ирода ва маънавиятли инсон бўлиб етишадилар. Бу борада ёшларнинг одоби, ўқув тарбиявий ишларига масъулият билан қарашда қуйидаги жиҳатларга эътибор берилади:

- ёшларнинг хулқи, феъл-атворидаги ўзгаришлар, муомала муносабати, тенгдошлари ва уларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш;
- ёшларнинг ўқув меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, топшириқларни бажариш ва ўзлаштиришида фаолиятли ёндашув тамойиллар асосида инновацион таълим технологиялардан кенг фойдаланиш орқали мустақил ижодий фаоллигини ошириш;
- ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларнинг ақл, заковатини бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига йўналтириш орқали юксак натижаларга эришиш;
- ёшлар тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги, илғор иш тажрибаларидан кенг фойдаланиш, ўзлаштириш, умумлаштириш, амалиётга татбиқ этиш орқали улкан муваффақиятларга эга бўлиш зарур ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам ёшларни тўлақонли камол топиши учун уларга кўп таркибли таълим тарбия бериш муҳимдир. Бугунги кунда жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади.

Маълумки, ҳар қандай фарзанд учун ота - онанинг меҳрибонлиги, ўқитувчиларнинг таълим ва тарбияси ҳамда маҳалла аҳлининг ижобий



таъсири, эътибори зарур. Бу борада ёшларнинг етук инсон сифатида шаклланиши учун қуйидаги савол- жавоб усулидан фойдаланиш мумкин:

Савол: Ҳар бир ота - онанинг эзгу орзуси нима?

Жавоб: Комил фарзандни вояга етказиш.

Савол: Комил инсонни тарбиялашга қандай эришилади?

Жавоб: Асосан тўрт нарса - ҳалол ва меҳрибон ота - она, қаттиққўл ва талабчан устоз, самимий ва содиқ дўст, маърифат ва илм орқали эришилади.

Савол: Энг бахтли ота - она ким?

Жавоб: Турмушда, комил инсон тарбиясида нафақат ўз фарзандига, балки ўзгаларга ҳам ибрат бўла олганлар.

Савол: Комил устоз ким?

Жавоб: Ўзида зоҳирий ва ботиний гўзалликни мужассам этган зот.

Савол: Нимадан юмшоқ ва нимадан қаттиқроқ нарса йўқ бу дунёда?

Жавоб: Она меҳридан ва ота қаҳридан.

Савол: Тарбиячи ким?

Жавоб: Аввало, болаларни сеувчи, маърифатли ва фидоий инсон.

Савол: Аксарият ота она йўл қўядиган хато нима?

Жавоб: Фарзандидан унинг имкониятидан ортиқча бўлган нарсани талаб қилиш ёки айтарли ҳеч нарсани талаб қилмаслик.

Савол: Инсон учун энг яхши нарса нима?

Жавоб: Гўзал ахлоқ, тарбия, гўзал хислат билан ном чиқариш.

Савол: Инсон учун энг ёмон нарса нима?

Жавоб: Ахлоқсизлик, тарбиясизлик, ялқовликдир.

Савол: Қандай одамни ақлли одам деб аташ мумкин?

Жавоб: Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхши ўйлаб, сўнгра шу ишга киришган одам.

Савол: Яшашдан мақсад нима?



Жавоб: Аввало, Аллоҳ розилига эришиш, Аллоҳ берган амалларни бажариш ва Аллоҳ рози бўладиган тарзда яшаш, қайтарганларидан қайтиш, Сўнгра, эл юрт билан ҳамоҳанг яшаш, унга садоқатли бўлиш, она Ватанига муносиб хизмат қилиш орқали ўзини мамнун, бахтли ҳис этиш.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий таълимоти мисолида қараганда: Инсоннинг яшашдан асл мақсади завқли, лаззатли, ҳузур ҳаловатли, бахтли саодатли умр кечирибдан иборатдир, деган ғоя унинг фалсафий таълимотида устуворлик қилади. Шу боис ул зот “Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт саодатга эришув экани, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт ва саодатга эришади” деб уқтирган эди<sup>1</sup>.

Оила деб аталмиш қўрғонда авлодлар камол топади. Бу қўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш мамлакат ва дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимизнинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади. Маълумки, юртимиз кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда, кўп қаватли шинам, қулай, чиройли уйлар қурилмоқда. Кўчалар ва хиёбонлар эса гулзорларга айланмоқда. Йўл четларига экилган арча ва бошқа манзарали дарахтлар, гуллар ҳаво мўтадиллигини сақламоқда. Анхорларда оқётган зилол сувлар, гўзал манзараларни кўрган ҳар қандай инсоннинг кайфияти кўтарилади ва баҳри дили очилади. Азал–азалдан халқимиз теварак атрофни озода сақлаганлар. Боболаримиз, ота-оналаримиз бизга: “Чиқиндини ариққа супурма, сувга тупурма, ховли ва кўчаларга ахлат ташлама!”, деб тайинлашган. Шу боис бўлса керак кичик ёшимизданок тозалikka риоя этганмиз. Дарахтлар соясида соатлаб кўғирчоқлар уйнаб, оқётган зилол сувнинг майин оҳангига уйғунлашган ҳолда рақсларга тушиб, кўшиқлар айтганмиз. Тоза соз тупроқдан фойдаланиб, турли ўйинчоқлар

---

<sup>1</sup>Абу НасрФаробий. Фозилодамларшаҳри. Т., Абдулла Қодирийномидагихалқмеросинашриёти, 1993, 188 бет.



ясаганмиз. Ўқиган китобларимиз мазмуни асосида расмлар ишлар эдик. Аммо кейинги йилларда бизнинг табиатга бўлган муносабатимизда бироз бепарволиклар кўзга ташланмоқда. Илгарилари ариқ ва булоқларнинг сувидан ҳеч ҳадиксиз ичар эдик. Иссиқ нонларни оқар сувга оқизиб, ботириб ердик. Ҳозирги кунда маҳалла ва гузарлардан оралаб оқиб ўтадиган ариқдаги сувни ичиб бўлмайди. Минг афсуски, бу сўзларда жон бор. Чунки баъзилар ҳеч тортинмай ариққа суприндини ташлайди, кир ювилса, мағзавасини оққизади. Чиқиндиларнинг исталган жойларга ташлаб кетилиши инсон кайфиятини тушуриб юборади. Ҳатто улар орасида нон бўлаклари ҳам бор. Яшаётган маҳаллаларимиз тоза бўлиши аввало, ўзимизга боғлиқ. Фақат ҳовли ва уйларимиз эмас, қишлоқ, шаҳарлар ҳам ўзимизники. Унинг озодалигига ҳар биримиз жавобгармиз, масъулмиз. Ким ҳовлисида чиқиндиларнинг сочилиб ётишини истайди? Гоҳида, ҳатто машинадан тушгани эриниб, чиқиндиларни пана-пастқан жойларга улоқтириб кетишади. Йўлларимиз четида қоғоздан тортиб ҳар хил чиқиндилар сочилиб ётади, ёз фаслида эса улар ўзидан бадбўй ҳидлар таркатади ва бир қанча касалликларни келтириб чиқаради. Баъзан тўпланган маиший хазонлар, чиқиндиларни ёндириш оқибатида инсон ҳаётига, иқлим шароитига салбий таъсир кўрсатилади. Ҳавони эса захарлайди. Аксинча, онамиз каби меҳрибон она табиат саховатини аяб, унинг қадрига етайлик. Бироқ шунга қарамай, онамиз каби меҳрибон табиат ўз саховатини биздан аямайди. Ўсимликлар дунёси шифобахш гиёҳлар ва доривор моддалар манбаидир. Уларнинг барчаси атмосфера ҳавосини тозалаб берувчи “фильтр” вазифасини ўтайди. Соғ – саломат юришимизга шароит яратиб беради. Мухтасар қилиб айтганда, она табиатга меҳр – муҳаббатли бўлайлик. Оилаларда, маҳалла ва қишлоқларда экологик тарбияни кучайтирайлик. Орасталикка риоя қилишимиз, гулу - гиёҳлар маскани ва дарахтзорларни авайлаб парваришлашимиз зарур. Агар биз табиий гўзалликларга зиён



етказмасликни одат қилсак, авлодлар келажаги ва ҳаётнинг давомийлиги учун шунчалик кўп қайғурган бўламиз.

Ҳозирги замон талаби мураббий-ўқитувчидан ташаббускорлик, ижодкорлик ва мустақил эркин ижодий фикр юритишни талаб этади. Бу эса уларнинг таълим жараёнида қизиқарли дидактик ўйинлардан фойдаланиб, машғулотларни қизиқарли ўта олиш техникасида намоён бўлади. Маълумки, болаларнинг билиш жараёнида меҳнат, ўйин, сайр-саёҳатлар, эртақлар, дидактик ўйинлар ва турли мавзудаги суҳбатларнинг таъсири кучлидир. Хусусан: “Она табиатга меҳрли бўлайлик”, “Оила маҳалларда экологик тарбияни кучайтирайлик”, “Орасталик”, “Табиий гўзалликларга зиён етмасин”, “Она табиатни асрайлик”, “Юртим гўзаллиги”, “Манзарали дарахтлар”, “Чиройли гуллар”, “Зилол сувлар”, “Уйимиз, ҳовлимиз ва теварак-атрофни озода сақлайлик”, “Ариқларга ахлат ташламанг”, “Чиқиндиларни ариққа супурманг” каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш жуда фойдали ишлардан ҳисобланади. Айниқса, “Ахлат уюмларининг бўлишига ва улардан бадбўй ҳидларни тарқалишига ҳамда касалликларнинг тарқалишига йўл йўқ”, “Ерга ҳар хил чиқиндиларни ташлашга йўл йўқ”, “Тўпланган чиқиндиларни ёндиришга йўл йўқ”, “Ҳавони зарарлашга йўл йўқ”, “Орасталикни сақламасликка йўл йўқ”, “Табиий гўзалликка зиён етказишга йўл йўқ”, “Авлодлар келажаги ва ҳаётнинг давомийлиги учун қайғурмасликка йўл йўқ” мавзуларида дидактик ўйинларнинг ташкил этилиши табиатдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Масалан: мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гуруҳи болалари билан «Нима яхши-ю, нима ёмон» мавзусида дидактик ўйин ташкил этиш мумкин. Бунда аввало тарбиячи мазкур дидактик ўйиннинг мазмуни ва қоидалари билан болаларни танишгаради ва уларни бошқаради. Ўйиннинг тартиби қуйидагича ифода этилади:



Мавзу: “ Нима яхши-ю, нима ёмон” мазмунида ёритилади. Дидактик вазифа: болаларга ҳаётда нима яхши-ю, нима ёмон эканлиги, унинг фойда ва зарари, қувонч ва ташвиши тўғрисида тушунча бериш.

Ўйиннинг мақсади: Нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини билиш. Ўйин қоидаси: болаларни яхши нарсаларга меҳрли, диққат-эътиборли бўлиш руҳида тарбиялаш. Уларга меҳнатсевар, одоб-ахлоқли, яхши хулқ-атворли ва соғлом фикрли комил инсон бўлиши тўғрисида тушунча бериш.

Ўйиннинг жиҳозланиши: «Нима яхши-ю, нима ёмон» мавзусида ишланган кўرғазмали ва фото расмлар, шеърлар, эртак ва ҳикоялар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ва ҳоказо.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи мавзуга доир ишланган кўрғазмали ва фото расмлардан фойдаланган ҳолда болаларга «Нима яхши-ю, нима ёмон»лиги тўғрисида суҳбат ўтказди. Мазкур дидактик ўйиннинг моҳиятини очиш ва ташкиллаштиришда тавсия этилган материаллардан кенг фойдаланилади. «Нима яхши-ю, нима ёмон» дидактик ўйини қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Нима яхши?
- Она табиатни севиш ва уни меҳр билан авайлаш;
- табиат бойлигига бойлик қўшиш;
- ер, сув, ҳаво, ўсимликларга ардоқли муносабатда бўлиш;
- жуда кўп қушларнинг номларини билиш ва уларга меҳрли бўлиш;
- яшил табиатдан завқланиш ва ям-яшил дарахтларни кўпайтириш;
- кишлок ва шаҳарларни обод, яшаётган жойни гулзор этиш, гулларни кўпайтириш ва уларнинг муаттар ҳидидан нафас олиш;
- салқин, ёқимли, соф, тоза ҳавода бўлиш, ўлкамизнинг гўзаллиги, қуёш нури, зилол шифобахш сувидан баҳраманд бўлиш;
- ариқ қазиш, тозалаш, янги йўллар очиш, кўприклар қуриш;
- ўз диёрини гуллаштиш, бепоён экинзорлар, боғу-роғларни кўпайтириш;



- экология хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳалол ва покиза, одоб-ахлоқли бўлиш, Ватаннинг нон-тузини оқлаш.

Нима ёмон?

- Атроф-муҳитни ифлослантириб, инсон саломатлигига жиддий зарар етказиш;
- хавони булғатиш, сувни ифлослантириш;
- дарахт тагига сув қуймаслик, кўчатни синдириш;
- кўчаларга чиқиндиларни ташлаш, чанг, тутун, микробларни кўпайтириш;
- табиатга нисбатан лоқайд бўлиш ва унинг неъматларини исроф қилиш;
- катталар меҳнатининг қадрига етмаслик, ахлоқсиз бўлиш, ҳаётдаги гўзалликни сезмаслик ва унинг қадрига етмаслик;
- қушлар, ҳайвонларга озор бериш, ўсимликларни топташ, табиий бойликлардан ноўрин фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминламаслик;
- машиналардан зарарли тутунларни чиқариш, атрофни заҳарлаш ва ҳоказо.

Маълумки бола ўз уйида, таълим даргоҳида, маҳаллада тарбия топади. Шунга кўра, эл-юртга садоқатли, имон-этиқодли, ватанпарвар бўлиб улғайшида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигининг таъсири беқиёс. Бу эзгу тушунчалар халқимизнинг “Бир болага етти кўшни ота-она”, “Биз-Ўзбекистон фарзандларимиз”, “Биз- бир оиламиз”, “Озод ва обод ватанда бахтли яшаш- ўз кўлимизда” каби мавзуларда ҳам мужассам бўлиб , ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда соғлом тафаккур, дунё қарашни шакллантириш ва оила, жамият, ватан олдидаги масъулиятини ҳамда юрт тақдири учун дахлдорлик туйғусини кучайтириш имкониятини беради. Бугунги кунда Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги “Қорасарой” маҳалласида ёшларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларни эзгу қадриятларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда яхши натижаларга эришилмоқда.





Маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар холидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, ҳар бир оиладаги муҳит, одамларнинг орзу-умидлари, эзгу интилишларидан бохабар бўлиш маҳалла фаолларининг доимий этиборида бўлади. Маҳаллада таълим муассасалари, ибратли хонадон вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар иштирокидаги учрашув ва давра суҳбатларининг мунтазам равишда ўтказиб турилиши ўзининг ижобий таъсир кучига эгадир.

Келажак авлод ҳақида қайғуриш ва соғлом, баркамол насилни тарбиялаш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бугунги кунда қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахт-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Чунончи одобли, билимдон, ақли, меҳнатсевар, имон-этиқодли фарзандлар ота-оналар ва жамиятнинг катта бойлигидир.

Соғлом бола тарбиясида маҳалланинг фуқаролар йиғини раиси, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслахатчилари, маҳалла посбонлари, кенг жамоатчилик масъулиятини янада оширишга жиддий этибор берилган. Бу борада провард мақсадимиз комил инсонни тарбиялаш экан, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини янада ривожлантиришга боғлиқ эканлигини асло унутмаслик керак. Ёшларда юксак маънавий фазилатлар, катталарга ҳурмат, эзгулик, инсонийлик, меҳрибонлик ва бағри кенглик, ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида маҳаллада етук олим, психолог, ёзувчи шоирлар иштирокида қизиқарли суҳбатлар ўтказилади. Шунингдек, маҳалла ёшлари иштирокида “Энг яхши китобхон”, “Ораста қизлар давраси”, “Энг намунали оила”, “Энг ибратли хонадон”, “Гулзор ховли”, кўрик танловлари ташкил этилди. Маълумки, ҳар қанда кўнгилсизликлар – бекорчилик ва назоратсизлик оқибатида келиб чиқади. Шу боис маҳаллада истиқомат қилаётган ёшларнинг кундалик фаолият доираси оилавий аҳволи, ўқув жараёни назорат этилади. Бу борада оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги йўналишида ўқув



муассасаларида таълим тарбиянинг сифат даражасини ўрганиш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилган. Маҳалла кексаларининг тажрибалари асосидаги панд-насихатлари ёшларнинг иродали, мард, жасур бўлиб ётишишларида беқиёс ахамият касб этади. Маҳалла худудида гўзаллик салони, хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчаси ҳамда тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Намунавий лойҳалар асосида уй-жойлар бунёд этилмоқда. Маҳаллада миллий ҳунармандчилик, тикувчилик йўлга қўйилган. Маҳаллада “Диний маърифий ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этилади. Хусусан “ Маҳалла – мафкуравий тарбия маскани”, “Ҳалол меҳнат-ободончилик мезони” мавзулари ёритилади. Инсоннинг ҳалол меҳнати билан юрт обод, халқнинг ҳаёти фаровон , маҳаллаларимиз обод, чиройли бўлади. Ҳалол меҳнатда барака бор. Инсон меҳнати билан жамиатда мўл-кўлчиликни яратади. Меҳнат таъсирида инсоннинг турмуши яхшиланади. Энг муҳими иқтисодий ўсишга эришилади. Инсон меҳнат орқали ўз-ўзини табиёлайди, тумуши яхшиланади. Ўз кучи билан нонини топиб ейди. Текинхўрлик ва дангасаликга ўрганмайди. Ҳар бир инсон ўзида яхши фазилатларни намоён этади. Меҳнатсевар инсон ҳаётда ўзининг ўрни ва мавқеига эга бўлади ҳамда кадр қиммат ва ҳурматга сазовор бўлади.

**Хулоса шуки,** мамлакатимизнинг барча худудларида болаларнинг соғлом ўсиб улғайиши, илм олиши, касб ҳунар эгаллаши учун барча имконият ва шароитлар яратилган. “Бола азиз-одоби ундан азиз дейдилар”. Болалигидан одобли бўлган фарзандлар катта бўлганларида ҳам ҳурмат-этиборга эришадилар. Оилада яхши тарбия олган бола ота-онага меҳрибон, уларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўядиган, ҳар бир сўзига кулоқ соладиган, улар буюрган ишларни пишиқ-пухта бажарадиган бўлади. Оила аъзоларига самимий муносабатда бўлиб катталарнинг панду насихатларини диққат этибор билан тинглайди ва унга амал қилади, доимо фойдали ишлар билан



шуғулланиб меҳнат билан чиниқади. Ота-онаси қариганда уларнинг розилиги ва дуосини олади, белига қувват бўлади, энг муҳими эл орасида обру-этиборли бўлади. Ҳаётда эса одоб-қоидаларга амал қилиб яшайдиган инсон бўлиб вояга етади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

<sup>1</sup>Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188 бет.